

00094-ЭДО
13.04.2023 й.



Иқтисодиёт ва молия соҳасида давлат хизматлари сифатини ошириш, масофадан туриб, шу жумладан мобил иловалар орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини кўпайтириш, ундириладиган тўловлар миқдорини камайтириш, талаб қилинадиган ортиқча ҳужжатларни бекор қилиш, кўриб чиқиш жараёнлари ва муддатларини кескин қисқартириш, шаффофликни ошириш, аҳоли ва тадбиркорлар билан мулоқот майдончаларини ташкил этиш ҳамда ходимларнинг муомала маданиятини юксалтириш бўйича

ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
I. Электрон давлат хизматларини кўпайтириш				
1.	Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари реестрини юритишнинг электрон тизимини яратиш ва унга техник хизматлар кўрсатиш.	1. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари реестрини юритишнинг электрон тизимини яратиш бўйича тегишли хусусий секторлар рўйхатини шакллантириш ва таклиф тайёрлаш. 2. Электрон тизим яратиш бўйича лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Техник талаб ишлаб чиқиш.	2023 йил декабрь	Г.Рахимова З.Бозоров Н.Джураев
2.	Ижтимоий нафақалар тайинлаш учун мурожаат этиш тартибини соддалаштириш.	1. Онлайн ариза тақдим этиш бўйича давлат хизматини жорий этиш. 2. Солиқ мобил иловаси орқали ариза тақдим этишни йўлга қўйиш. 3. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими интеграциялари сонини ошириш орқали талаб қилинадиган ҳужжатлар сонини қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	2023 йил июль 2023 йил декабрь	Э.Рустамов А.Каримов А.Файзибаев Ғ.Исраилов А.Хайдаров

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
3.	Айрим тоифадаги шахсларга автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун ойлик пул компенсацияси тайинлаш учун маълумотларни Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари (ТИЭК) дастури ва Ички ишлар вазирлиги ахборот тизимларидан олиш орқали фуқаролардан ногиронлик маълумотномаси, хайдовчилик гувоҳномаси, техник паспорт нусхасини талаб қилиш тартибини бекор қилиш.	1. Пенсия жамғармаси, Ички ишлар вазирлиги ва ТИЭК ўртасида ахборот алмашинуви бўйича техник йўриқнома ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш. 2. Тизимларни ўзаро интеграция қилиш.	2023 йил июль 2023 йил сентябрь	А.Каримов А. Элмуродов А.Хайдаров Н. Джураев
4.	Фуқароларга ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш учун уларнинг хоҳишига асосан Давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда мурожаат қилиш имкониятини яратиш. Бунда, пенсияларни фуқаронинг тегишли вазирлик ва идоралар ахборот тизимларидаги мавжуд рақамлашган маълумотлари асосида автоматик равишда ҳисоблаш.	1. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. 2. Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилишнинг маъмурий регламентини ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 3. Пенсия жамғармаси ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ўртасида ахборот алмашинуви бўйича техник йўриқнома ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш. 4. Тизимларни ўзаро интеграция қилиш.	2023 йил октябрь 2023 йил декабрь 2024 йил февраль 2024 йил март	А.Каримов А. Элмуродов А.Хайдаров Н. Джураев
5.	Ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларга муддатидан	1. Пенсия жамғармаси ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ўртасида ахборот алмашинуви бўйича техник йўриқнома ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Тизимни амалиётга жорий этиш.	2023 йил июнь 2023 йил июль	А.Каримов А.Хайдаров

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
	олдин пенсия тайинлашда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги ҳужжатни талаб этишни бекор қилиш.			
II. Аҳоли ва тадбиркорлар билан ўзаро мулоқотда бўлиш				
6.	Бюджет-солиқ ва божхона сиёсатини осон йўллар билан тушунтиришга доир телеграм канал (шу жумладан бошқа ижтимоий тармоқларда) яратиш , ва ушбу каналда солиқ маслаҳатчилари ва божхона брокерлари томонидан подкаст ва инфографика форматида фойдали контент улашиб бориш.	1. Бюджет-солиқ ва божхона сиёсатини осон йўллар билан тушунтиришга доир телеграм канални яратиш. 2. Жамоатчилик билан алоқалар бошқармаси томонидан телеграм канални юритиш бўйича масъул ходимни тайинлаш. 3. Солиқ маслаҳатчилари палатаси ва божхона брокерлари уюшмаси билан тегишли меморандумларни имзолаш ва бир ойда икки маротаба подкаст ёки инфографика форматида маълумот улашишга келишиш.	2023 йил июнь 2023 йил июль	Д.Султанов А.Файзибаев И.Мухторов Н.Джураев И.Аббасханова С.Ахмедова Д.Хашимова Н.Саломов
7.	Солиқ мобил иловасида махсус солиқ сиёсати бўлинмасини яратиш . Ушбу бўлинмада барча солиқ ставкалари, солиқ базасидан чиқариб ташланадиган ва чиқариб ташланмайдиган харажатлар, амортизация нормалари ва бошқа солиқ сиёсатига оид муҳим маълумотларни улашиб бориш.	1. Солиқ кўмитаси томонидан мобил иловага тегишли ўзгаришларни киритиш. 2. Мобил илованинг оператори томонидан маълумотлар мунтазам равишда киритилиб борилишини назорат қилиш.	2023 йил май Доимий равишда	Д.Султанов А.Файзибаев И.Аббасханова

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
8.	Солиқ сиёсати ва маъмурчилигини юритишда аҳоли ва тадбиркорларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида энг яхши махсус веб-сайт ёки мобил илова яратиш учун грант эълон қилиш , ушбу сайтда (мобил иловада) солиқ сиёсати бўйича қайта алоқа (feedback) ва энг қўллаб қувватланган мавзуларда (мавзуларга овоз бериш орқали аниқлаш орқали) диалог форматида коммуникация қуриш.	1. Солиқ қўмитаси томонидан грант ўтказиш учун техник топшириқ ишлаб чиқиш. 2. Грант тўғрисидаги маълумотнинг тарқалишини таъминлаш мақсадида реклама компаниясини ўтказиш. 3. Энг яхши махсус веб-сайт ёки мобил илова яратувчисига грантни тўлаб бериш ва веб-сайт ёки мобил иловани юритиш бўйича ишлар режасини тузиш ва тасдиқлаш, лойиҳани юритувчи жамоани белгилаш.	2023 йил июнь 2023 йил июль	Д.Султанов А.Файзибаев И.Аббасханова
9.	Таргетинг асосида муайян (машхур) блогер, иктисодчи ва тадбиркорларни солиқ сиёсатини тушунтириб бориш ишларига жалб қилиш орқали аҳолининг ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш .	1. Жалб этилиши режалаштирилган блогер, иктисодчи ва тадбиркорларнинг рўйхатини тузиш ва улар билан мулоқотни юритиш. 2. Амалга оширилаётган ишлар устидан назорат ўрнатиш.	2023 йил июнь	Д.Султанов А.Файзибаев И.Аббасханова С.Ахмедова Д.Хашимова
10.	Тадбиркорлар билан мулоқот майдончаларини давра суҳбати шаклида ташкил этиш.	1. Тадбиркорлик учун долзарб ва муҳим масалалар юзасидан давра суҳбати ўтказиш мақсадида мавзуларни аниқлаш. 2. ОАВларда режалаштирилган тадбир тўғрисида эълон қилиш ва давра суҳбатини ташкил этиш. 3. Давра суҳбати натижаси юзасидан билдирилган таклифлар бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаш ва вазирлик раҳбариятига киритиш.	2023 йил июль ва декабрь ойларида	Д.Султанов А.Файзибаев И.Мухторов Т.Хусанов И.Аббасханова

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
11.	“Фуқаролар учун бюджет” нашрини чоп этиш.	1. 2022 йил учун Давлат бюджети ижросига бағишланган “Фуқаролар учун бюджет” нашрини чоп этиш. 2. 2024 йил учун Давлат бюджети лойиҳасига бағишланган нашр чоп этиш.	2023 йил май ва ноябрь ойларида	А.Каримов Ш.Мухамедов
12.	Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи бўйича иқтисодчи экспертлар ва талабалар билан мулоқот ўтказиш.	1. Талаба ва блогерлар билан давра суҳбати ўтказиш мақсадида мавзуларни аниқлаш. 2. Иқтисодчи экспертлар билан давра суҳбатини ташкил этиш. 3. Давра суҳбатлари натижаси юзасидан билдирилган таклифлар бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаш ва вазирлик раҳбариятига киритиш.	Ҳар ярим йилда	И.Норкулов З.Олимжонов Н.Сабиров С.Ахмедова
III. Ходимларнинг муомала маданиятини юксалтириш				
13.	Вазирлик ходимларининг муомала маданиятини юксалтириш борасида тегишли чораларни кўриш.	1. Вазирлик тизими ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши бўйича ходимлар орасида тушунтириш ишларини амалга ошириш.	2023 йил IV чорак	Н.Ахмеджанов Д.Нарматов